

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭКОЛОГИЯ ВА АГРАР ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: IV курс “Тадбиркорлик-
ҳуқуқий фаолият” йўналиши талабаси
Мажидов Сардорбек Абдунаби ўғли

Илмий раҳбар: Экология ва аграр
ҳуқуқи кафедраси доценти ю.ф.н.
Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ВАЗИФАЛАРИГА УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	12
1.1 Прокуратура органларида қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашнинг йўлга қўйилиши ва унинг вазифалари.....	12
1.2 Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари.....	23
1.3 Қишлоқ хўжалигида прокурор назоратининг предмети, объектлари ҳамда ҳуқуқий асослари.....	30
II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТ.....	48
2.1 Қишлоқ хўжалиги соҳасига оид давлат дастурлари ижро этилиши устидан прокуратура органлари вазифалари.....	48
2.2 Қишлоқ хўжалиги соҳасида ер қонунчилигининг ижро этилиши устидан прокурор назорати.....	55
2.3 Қишлоқ хўжалиги соҳасида сув қонунчилигининг ижро этилиши устидан прокурор назорати.....	67
ХУЛОСА.....	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	85

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим ва йирик тармоқларидан биридир. Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги соҳасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади¹”.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган, ўзгартирадиган ва тугатадиган етарлича қонун ҳужжатлари ҳамда уларни амалга оширувчи махсус вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, марказ ва инспекциялар мавжуд бўлса, нега яна прокуратура органлари бу соҳада назорат олиб бориши лозим, деган савол туғилади. Негаки, ана шу махсус ваколатли идораларнинг айрим мансабдор шахслари ўз ваколатларини қонун доирасида амалга ошириш ўрнига, мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш, сансалорликка йўл қўйиш, коррупция, ўз хизмат вазиясига совуққонлик билан қараш каби турли қонунбузарликларга йўл қўйганлик ҳолатлари амалга оширилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган шахс ва ўз навбатида, давлат манфаатларига жиддий зарар етказди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2018 йил 31 январь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, қуйидаги фикрларни билдирди: “Прокуратура органлари ходимлари ислохотларни самарали амалга

¹ www.president.uz

оширишда ўзларининг бор салоҳияти, билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарурлиги таъкидланди. Қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланмоғи лозим”².

Хўш, нима учун қишлоқ хўжалиги соҳасига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деган савол туғилади.

Сабаби, биринчидан, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини айнан шу соҳада ишлаб чиқарилиб, қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Иккинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоиздан ортиғи қишлоқ ҳудудларида яшайди ҳамда умумий иш билан таъминланганларнинг қарийб ярми қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилади. Демак, қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни³га асосан кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг принципларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Учинчидан, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг асосий таянчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобланади.

² www.prokuratura.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни⁴нинг 2-моддасига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги деганда, озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мослиги тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сунъий усулда ҳосил қилинмасдан, балки табиий етиштирилганлиги боис, одатда, хавфсиз ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 199325,1 млрд сўмни ташкил қилган бўлиб, шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 32048,1 млрд сўмни ташкил этган⁵.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2017 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган ишлар якуни ҳақида 2017 йил якуни билан 67 трлн. 208 млрд сўмлик (2016 йилда 50,2 трлн. сўм) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 101,9 фоизлик ўсишга эришилганлиги таъкидланган⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрда Мурожаатнома тақдим этилиб, иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ – қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бунда қуйидаги фикрлар илгари сурилди: “Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 239-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 16-сон, 265-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

⁵ www.stat.uz

⁶ www.agro.uz

ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим”.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши ҳамда ривожланиб бориши кўп жиҳатдан соҳадаги қонун ҳужжатларида улар учун белгиланган имкониятлар ва ушбу қонун ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқдир.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалиги соҳасида соҳани тартибга солиш, такомиллаштириш ҳамда мавжуд тўсиқларни бартараф қилишга оид етарлича норматив-ҳуқуқий асослар мавжуд. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги каби қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари қишлоқ хўжалиги соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида 250 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниши соҳада фаолиятни тартибга солишни тизимли асосда қонуний амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар

ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сон Фармонида махсус соҳавий асослар келтирилган. Ушбу Фармонга мувофиқ қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Мана шундай ўта масъулиятли ва улуғвор вазифаларни бажаришда давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган прокуратура органларининг хизматлари алоҳида ўрин тутди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан ҳам бузилиши ҳоллари учраб туради, яъни улар ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида қонунларни четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Натижада, қонун устуворлиги принципи бузилиб, бошқа кишиларнинг, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолият юритиши учун ер участкалари ажратиш тартибида айрим қонун бузилиш ҳолатлари кўзга ташланади. Бунда ер ажратишга масъул тегишли туман ҳокимликлари қишлоқ хўжалик корхоналарига ер участкалари ажратишда суиистеъмолчиликларга йўл қўйиб, ер майдонларини қонунга зид равишда ажратиш ҳолатлари учраб туради. Шунингдек, ер майдонлари ажратишда мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашиши натижасида мазкур ҳудудда яшовчилар тенг шароитларда устувор ҳуқуқдан фойдаланишлари, ер майдонининг суғориш иншоотларига, йўлларга яқинлиги инобатга олинмасдан ажратилиши мазкур ерлардан фойдаланишни қийинлаштириб қўймоқда.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги юритиш учун ажратилган ер участкалари белгиланган мақсадларда фойдаланилмаяпти. Хусусан, қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тураржой куриш, шахсий томорқа экинларини экиш ва хатто, шартнома асосида тегишли бўлган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга сотиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай бўлишига айрим ҳолларда ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни назорат қилувчи мансабдор шахсларнинг ерлардан белгиланган тартибда фойдаланиш ҳолатларини ўрганишда сусткашликка йўл қўйганликлари сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш ва сақлаш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш ҳолати ҳам паст даражада бўлиб, ўтказилган текширишлар натижасида эҳтиёт қисмларни талон-торож қилиш ҳолатларини аниқланмоқда.

Тўртинчидан, давлат буюртмаси асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ажратилаётган минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларидан шахсий манфаатлар йўлида ишлатилиб, сотиб юбориш ёки улардан давлат буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун фойдаланмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи субъектларни сув ресурслари билан таъминлаш мақсадида ирригация ва мелиорация иншоотлари куриш, уларни таъмирлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг талон-торож қилинишининг олдини олиш мақсадида мазкур йўналишда назорат кучайтирилиши лозим.

Олтинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат муносабатлари соҳасида айрим қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича билим ва малакага эга эмаслиги ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилмоқда.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалиги асосий соҳаларидан бири бўлган чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси таъминланиш даражаси бўйича текшириш ўтказилганда, айрим мансабдор шахслар томонидан чорва моллари озуқалари тегишли савдо шохобчалари орқали сотилмасдан, талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқдалар.

Саккизинчидан, айрим тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг кредит маблағларини етарли асосларсиз ўз вақтида бермасдан, сансалорликка йўл қўйиш ҳолатларига барҳам берилмай, айрим мансабдор шахслар томонидан фермер хўжаликларга ҳосил етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит маблағлари асоссиз равишда ўз вақтида ажратилмаслик, шунингдек, фермер хўжаликлари томонидан маблағлар белгиланган мақсадларда фойдаланмасдан, мақсадсиз ишлатилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш ҳамда қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш орқали қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш ушбу мавзунинг долзарблиги ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижро этилиши бўйича прокурор назоратини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек илмий адабиётлар битирув малакавий ишининг предмети ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг объекти. Қишлоқ хўжалигида корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар битирув малакавий ишининг объектини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Битирув малакавий ишининг мақсади қишлоқ хўжалиги соҳасида қонун ҳужжатларини ижро этиш чоғида уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ва прокуратура органлари ваколатлари, прокуратура фаолиятини асосий йўналишларини алоҳида тарзда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун,

Ер кодекси, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонунлар асосида ёритиб бериш, муаммоларни ўрганиш, таклиф ва тавсияларни илгари суришдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчасини ёритиб бериш;

қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасига оид давлат дастурлари ижро этилиши устидан прокуратура органлари вазифаларини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ер-сувга оид қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати ташкил этилишини ўрганиш;

мазкур соҳа бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида тавсия ва таклифларни тайёрлашдан иборат.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий иши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг назарий асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Битирув малакавий ишида баён этилган қоидалар, чиқарилган ҳулосалар, таклифлар ва тавсиялардан ушбу мавзуга доир илмий тадқиқотлар ўтказишда; амалдаги прокурор назорати ҳамда қишлоқ хўжалигига оид қонунчиликни такомиллаштиришда; олий ва ўрта-махсус юридик ўқув юртларида прокурор назорати ва қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича адабиётларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати билан боғлиқ мавзу юзасидан республикамізда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Яъни, бугунги кунга қадар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига илмий жиҳатдан эътибор берилмаган. Гарчи, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларга риоя этилиши устидан

прокурор назорати долзарб бўлса-да, бу мавзу юзасидан батафсил махсус илмий изланишлар олиб борилмаган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Б.Х.Пўлатов⁷, О.М.Мадалиев⁸, В.Г.Бессарабов⁹, В.Ф.Крюков¹⁰, А.Т.Алламуратов¹¹, Д.М.Очилов¹² конунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг айрим элементлари бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ушбу битирув малакавий иши мавзунини синчиклаб, диққат билан ўрганишни талаб этади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Бугунги кунга қадар прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида конунийликни таъминлашдаги ҳуқуқий фаолияти тўлиқ ҳолда, қиёсий таҳлили ва хусусиятлари билан ўрганилган эмас. Шу сабабли, ушбу тадқиқотда имкон даражасида прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида конунийликни таъминлашдаги ҳуқуқий фаолияти батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқотда айрим хорижий мамлакатлар прокуратура органларининг мазкур соҳадаги фаолияти ўрганилди.

Битирув малакавий ишини ёзишда қўлланиладиган тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида юқоридаги вазифаларни ечиш ва битирув малакавий иши мақсадига эришиш учун индукция ва дедукция, анализ ва синтез, мантиқий ва тизимли, статистик, илмий, қиёсий-ҳуқуқий, шунингдек ахборот технологик методлар қўлланилди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Мазкур битирув малакавий иши: кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 94 бет.

⁷ Пулатов Б.Х. Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. (монография) – Т.: “Фан”, 2002.

⁸ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.

⁹ Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. Учебник. – М.: “Проспект”, 2007.

¹⁰ Крюков В.Ф. Прокурорский надзор. Учебник. – М.: Норма, 2008.

¹¹ Алламуратов А.Т. Проблемы прокурорского надзора. Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2005.

¹² Очилов Д.М. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида конунлар ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш муаммолари. Диссертация. – Т.: ТДЮИ, 2010.

I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ВАЗИФАЛАРИ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1 Прокуратура органларида қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашнинг йўлга қўйилиши

Ҳукукий демократик давлат қуриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда прокуратура органларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан 1992 йил 8 январда мамлакат ҳудудида қонунлар аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан олий назоратни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ–313-сон Фармони¹³га асосан Иттифок қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилиб, мустақил давлат органи сифатида ташкил этилди.

Асосий қонун – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIV бобида прокуратура органларининг конституциявий мақоми ўз ифодасини топган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Ана шу конституциявий мақомдан келиб чиқиб, прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартибини ўрнатувчи қонун ишлаб чиқилди ва 1992 йил 9 декабрь куни

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 97-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни¹⁴ қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

Жамият ривожланиши билан ижтимоий муносабатлар ҳам ўзгариб боради. Шунинг учун ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи қонун ҳужжатлари ҳам замон талабларидан келиб такомиллаштириш зарурияти туғилади.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II-сонли “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни¹⁵га асосан янги таҳрирда тасдиқланди. Хўш, янги таҳрирдаги қонун аввалгисидан нимаси билан фарқ қилади?

Янги таҳрирдаги қонунда прокуратуранинг қатор ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, қатор ваколатлари бир мунча қисқартирилди. Энг муҳими, прокурор назорати объектидан фуқаролар чиқариб ташланди ҳамда назорат объекти уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари деб эътироф этилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 29-модда; 6-сон, 266-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 9-сон, 241-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон.

прокурорлик назорати объекти ҳисобланади. Прокурорлик фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар ёки жавобгарларликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади”¹⁶.

Бундай ўзгартириш натижасида “фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат функциясининг прокурор назорати объектлари каторидан чиқарилиши билан одамлар онгидаги “прокуратура – кораловчи идора” деган тушунчага барҳам берилди. Прокуратура том маънода фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, қонуннинг талабларини ҳимоя қиладиган органга айланди”¹⁷.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратуранинг ўрни ҳақида илмий адабиётларда турли хил ёндашувлар илгари сурилган. Чунки бугунги кунда дунёда ягона прокуратура модели мавжуд эмас, бундан келиб чиқадики, ҳар бир мамлакатда ҳар хил прокуратуралар фаолият кўрсатади. Масалан, айрим мамлакатларда прокуратуралар ижро ҳокимияти тизимида бўлса, айримларида эса ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти ўртасидаги орган ҳисобланади. Прокуратуранинг қайси тизимга кириши мамлакатдаги сиёсий аҳвол, ижтимоий вазият ҳамда миллий менталитетга ҳам боғлиқдир.

Айрим олимларнинг фикрича, кўпчилик хорижий мамлакатларда прокуратура ижро этувчи ҳокимиятнинг органлари таркибига киришини инобатга олиб, прокуратурани ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият таркибига киритишни таклиф қилади¹⁸.

АҚШ, Франция, Польша, Бельгия, Япония, Исроил ва бошқа кўплаб Европа давлатларида прокуратура ижро ҳокимияти таркибига қирувчи орган ҳисобланади. Масалан, АҚШда Бош прокурор (Бош атторней) бир вақтнинг ўзида Адлия вазири ҳам ҳисобланади¹⁹. Бироқ юқоридаги мамлакатларда

¹⁶ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий кадрият. Т.14.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 84-бет.

¹⁷ Қодиров Р.Ҳ. Мустақил Ўзбекистон прокуратураси 20 ёшда.// “Ҳуқуқ”, 2012 йил 5 январь.

¹⁸ Федоров Н.В. О судебной реформе в России // “Государство и право”. 2005. №6. С.11.

¹⁹ Матушевский Р.Г., Пятаков В.А. Прокуратура и прокурорский надзор. – М.:Приор-издат, 2005. – С.2.

прокуратура, одатда, жинойй таъқиб қилиш вазифасинигина амалга оширишади.

Прокуратура давлат ҳокимияти органлари билан қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини таъминлаш борасида яқин алоқада бўлиб, ҳар учала ҳокимият органига мазкур масалалар юзасидан хизмат кўрсатади. Шу билан бир қаторда, у ҳокимият органларининг ўзаро муносабатига таъсир кўрсатиб, уларнинг келишилган ҳолда ишлашига шароит яратади²⁰.

Демак, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунийликни таъминлаш вазифасини амалга ошира туриб, ҳокимият органларининг ўзаро бир-бири билан алоқасига кўмаклашади. Бундан келиб чиқадики, прокуратура органлари давлат ҳокимияти тармоғи ҳисобланмайди ва уларнинг биронтаси таркибига кириши мумкин эмас. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари давлат ҳокимиятнинг ҳеч қайси тизими таркибига кирмасдан, фақат қонунга бўйсуниб, мустақил фаолият олиб борадиган махсус ваколатли орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ушбу нормадан келиб чиқиб, прокуратура органлари ўзларига қонун билан юклатилган вазифаларни амалга ошириш доираси нақадар кенг қамровли эканлигини, мавжуд қонун ҳужжатлари кўп эканлигидан англашимиз мумкин. Прокуратура органлари бир хил иш олиб боришлари учун уларга маълум бир йўналиш белгиланишини талаб қилади. Қонуннинг

²⁰ Ражабова М.А. Ҳуқуқий давлатчилик сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 64-б.

4-моддасига асосан прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Илмий адабиётларда прокуратура органларининг мазкур фаолият йўналишлари прокурор назорати сифатида белгиланади. Шундан келиб чиқиб, прокурор назоратининг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Қонунларга риоя этилиш устидан умумий назорат;
2. Жинойтчиликка қарши кураш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорати;
3. Суд ҳужжатларининг қонунийлиги устидан прокурор назорати;
4. Ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат²¹.

Прокурор назорати хусусида илмий адабиётларда турли хил қарашлар мавжуд.

Хусусан, М.Ҳ.Рустамбоев фикрича, “Прокурор назорати деганда, давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолият тушунилиши лозим”²².

Ю.П.Якубинанинг фикрича, прокурор назорати – бу давлат фаолиятининг марказлашган ягона тизимга бирлаштирилган прокуратура томонидан амалга ошириладиган, мамлакат ҳудудида қонунийликни таъминлашга хизмат қиладиган фаолият²³.

О.М.Мадалиев эса қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтади: прокурор назорати дейилганда, Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи

²¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 11-бет.

²² Рустамбоев М.Х., Тўхташева У.А. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. Биринчи жилд. – Тошкент: “ILM ZIYO”, 2012. – 79-бет.

²³ Якубина П.Ю. Прокурорский надзор как вид государственной деятельности // Проблемы правоохранительной деятельности". 2012, №2. – Ст. 55.

прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади²⁴.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, прокурор назоратига қўйидагича таъриф бериш мумкин: прокурор назорати – бу фақатгина махсус ваколатли орган сифатида прокуратура томонидан амалга оширилиб, қонун ҳужжатларининг мамлакат ҳудудида аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашга қаратилган фаолият.

Прокурор назорати ҳақида дастлабки тушунчага эга бўлиб, прокурорнинг назоратининг соҳавий йўналишларидан бири сифатида қишлоқ хўжалигида қонуний таъминлаш бўйича прокурор назоратига тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётларда қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш бўйича прокурор назорати тушунчасини учратмаймиз. Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида прокурор фаолиятининг асосий йўналишларида қайд этилмаган. Бироқ бу соҳа алоҳида кўрсатиб ўтилмаган бўлса-да, прокурор назорати сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш йўналишлари таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 4 августдаги 110-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ прокурор назорати - прокуратура органларининг давлат ва хўжалик бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар,

²⁴ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: “ILM ZIYO”, 2012. – 8-бет.

ташкilotлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан Қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши, улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Республика Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назорат фаолиятidir.

Шу таъкидлаш жоизки, мазкур Низомда ҳам қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчасига таъриф берилмасдан, умумий ёндашилган.

Қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мазмун-моҳиятини қишлоқ хўжалигида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш ташкил этади. Мазкур йўналишда прокурор назорати фақат текширишларни эмас, балки қонунларнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг ижросини амалга ошираётган субъектларни қўллаб-қувватлашни тушунишимиз лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати деганда, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкilotлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида назорат қилишни тушунишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий

хужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–3406-сонли Фармони²⁵ қабул қилинди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг айрим таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида”ги 1-сонли буйруғи қабул қилинди ва “Умумий назорат бошқармаси” тугатилиб, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” ташкил этилди, унинг таркибида “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими” ташкил этилди. Мазкур бўлимнинг ҳудудий тузилмаларини ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 15 мартдаги 2-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят прокуратураларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4636-сонли Фармони²⁶ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси тўғрисида”ги

²⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 113-модда; 2006 й., 28-29-сон, 263-модда; 2014 й., 32-сон, 395-модда; 2016 й., 32-сон, 387-модда.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 395-модда; 2016 й., 32-сон, 387-модда.

Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 110-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу Низомга мувофиқ Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади ҳамда “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят прокуратураларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида Қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари тўғрисида”ги Низом бекор қилиниб, Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолият олиб бориши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида” ги ПФ–5019-сон Фармони²⁷га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 28 октябрдаги буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Унга мувофиқ Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси Бош прокуратуранинг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом, Бош прокуратуранинг ҳайъати қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқлари ҳамда “Қишлоқ хўжалиги

²⁷Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 06/17/5196/0034-сон.

соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом талаблари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5418-сон Фармони²⁸ билан агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати, мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ташкил этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сон Қарори²⁹га асосан қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасида назорат тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Мазкур субъектлар қишлоқ хўжалигида прокурор назоратининг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

²⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 06/18/5418/1082-сон.

²⁹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон.

1.2 Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари

Юқорида қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунийлик ижроси устидан назорат бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилишини аниқлаб олдик.

Мавзуни кенгроқ тушуниш учун уларнинг ҳар бирининг вазифа ва функцияларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида қонунийлик ижроси устидан назорат бошқармаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–3406-сонли Фармонига мувофиқ қўйидаги вазифалар юклатилган:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

асосий қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва ғалла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текширишлар ўтказиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларида ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи сууистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик ва

ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик;

ерлардан катъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлаб талон-торож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларининг олдини олиш чораларини кўриш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан қонунчиликни кенг қўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

Қонун ҳужжати белгилаган вазифаларни амалга ошириш мобайнида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги ҳолати аниқланса, прокуратура органлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши лозим.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 28 октябрдаги 148-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Унга мувофиқ Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси Бош прокуратуранинг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади.

Бошқарманинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

1. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Бош прокуратуранинг хайъати қарорлари ва иш режалари, Бош прокурорнинг буйруқ, фармойиш ва кўрсатмалари ижросини қатъий таъминлаш.

Мазкур соҳада прокуратура органларининг фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, услубий ва амалий таъминлаш;

2. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийлик аҳволини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш.

Мазкур соҳада қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;

3. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қисмини оғишмай ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, олиб борилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

4. Ер ажратиш борасида қонунчилик талабларига риоя этилиши, ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши, ер майдонларига қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришнинг қонуний, асосли ва адолатли амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларининг муомаладан ноқонуний чиқарилишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўриб бориш;

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар билан ҳокимлик, банклар, тайёрлов, қайта ишлаш, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларига қатъий риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш;

6. Агротехника ва ирригация-мелиорация тадбирларининг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан назорат тадбирларини ташкиллаштириш;

7. Фермер, деҳқон, чорва хўжаликларининг, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш;

8. Сифатли мева-сабзавот етиштириш, аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳиятини оширишга йўналтирилган қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

9. Сув ресурсларидан фойдаланишда исрофгарчиликни, шунингдек, ирригация объектлари ҳамда гидротехника иншоотлари эксплуатациясида хўжасизлик ҳолатларини олдини олиш юзасидан чоралар кўриш.

Ирригация объектлари ҳамда гидротехника иншоотлари қуриш ва реконструкция қилишда белгиланган стандартларга риоя қилиниши, шунингдек, ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш;

10. Қишлоқ хўжалигига экологик хавфсиз, тежамкор ва юқори самарали технологияларни кенг жорий этиш ва уларни рағбатлантириш бўйича қонунчилик ва давлат дастурлари ижросини назорат қилиш;

11. Мелиорация ва агротехника тадбирлари ҳамда илмий тадқиқот ишлари учун ажратилган бюджет маблағлари, шунингдек, пахта ва бошоқли дон етиштириш учун йўналтирилган имтиёзли кредит ва бошқа ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган чоралар кўриб бориш;

12. Қишлоқ хўжалиги соҳасида суиистеъмолчилик ва қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича таклиф киритиш;

13. Кўрсатилган вазирлик, идора, ташкилот ва хўжалик бошқарув органлари марказий маҳкамаларида қонунчилик ижросини назорат қилиш, уларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини ўрганиш.

Қонунбузилиш, шунингдек, ҳуқуқий нормаларни ўзбошимчалик билан, субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш;

14. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги назорат органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича юборилган ҳужжатларни кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилинишини таъминлаш. Ушбу материаллар ва уларнинг ҳал этилиши натижалари бўйича назорат органлари билан ҳар олти ойда солиштирма ўтказиш;

15. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган текширишлар натижасида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганиш;

16. Қуйи тармоқлар прокурор назорати ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва сифатини ҳар ойда ўрганиш, уларни бир хилда кўлланилиши юзасидан чоралар кўриш;

17. Фуқароларни қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

18. Қонунчиликни тарғиб қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, идоравий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” тўғрисидаги Низомга мувофиқ Инспекция Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳолати;

б) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш;

в) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг вазифалари ўрганиб чиқиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳам, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳам қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш вазифасини бажаради.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси Бош прокуратуранинг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланса, Инспекция эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Шунингдек, Инспекция юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эгадир;

иккинчидан, уларнинг вазифалари ўхшаш ҳисобланади. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси фақат умумий жиҳатдан қишлоқ хўжалигида қонунлар бажарилишини назорат қилса, Инспекция фаолиятини махсус назорат сифатида белгилашимиз мумкин. Сабаби, 2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, “Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси, “Ўздавуруғназоратмарказ” қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлигининг “Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш “Сифат” маркази” давлат корхонаси тугатилиши белгиланиб, Инспекция мазкур тугатилаётган ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, тугатилаётган ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари, функциялари ва ваколатлари Инспекцияга ўтказилиши назарда тутилган.

Инспекция ходимлари лавозимларига олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар (ҳуқуқшунослар, агрономлар, иқтисодчилар, молиячилар, муҳандислар ва бошқалар) тайинланади. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларини юклатилган вазифаларнинг юқори ҳамда профессионал

даражада бажарилишини таъминлай оладиган малакали кадрлар билан, шу жумладан тугатилаётган ташкилотлар ходимлари орасидан тўлдирилиши таъминланиши белгиланган.

Бундан келиб чиқадики, Бошқармада олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар қишлоқ хўжалигида прокурор назоратини амалга оширса, Инспекцияда махсус маълумотга эга бўлган шахслар, шу жумладан, ҳуқуқшунослар, агрономлар, иқтисодчилар, молиячилар, муҳандислар ва бошқалар қишлоқ хўжалигида прокурор назоратини таъминлайди. Назоратнинг соҳа мутахассиси томонидан амалга оширилиши самарали натижаларга эришишга замин яратади.

1.3 Қишлоқ хўжалигида прокурор назоратининг предмети, объектлари ҳамда унинг ҳуқуқий асослари

Қишлоқ хўжалигидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг субъекти - бу прокурор назорат фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахс – прокурор ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ходимлари қишлоқ хўжалигидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасидан келиб чиқиб, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қишлоқ хўжалигига оид қабул қилинаётган норматив ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги, қишлоқ хўжалиги

соҳасидаги қонунларнинг ижро этилиши қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ташкил қилади.

Аслида, мазкур норма қонунлар ижроси устидан назорат предмети белгилаган. Бироқ қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ҳам қонунлар ижроси устидан назорат қилиш йўналиши таркибига кирганлиги боис, унинг тушунчаси ҳам мос келади.

Қишлоқ хўжалиги қонунчилигида прокурор назорати предмети тўлиқ тушуниш учун:

1) прокурор назорати татбиқ этиладиган, қишлоқ хўжалиги муносабатларини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини аниқлаш;

2) қишлоқ хўжалигидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга масъул бўлган субъектлар, яъни прокурор назорати объектларини аниқлаш лозим бўлади.

Демак, қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети мазмун жиҳатидан иккига бўлишимиз мумкин:

1. прокурор назорати объектлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат;

2. прокурор назорати объектлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини субъектлар доирасига кўра иккига бўлишимиз мумкин:

1. қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган субъектлар томонидан қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат;

2. қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаётган масъул субъектлар томонидан қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан прокурор назорати.

Қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган субъектлар томонидан қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижросини амалга оширувчи

давлат органи ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан Конституция ва қонунлар талабларига ўз вақтида амал қилишини назорат қилиш тушунилади. Қишлоқ хўжалигидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминловчи давлат органи ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муайян орган томонидан қонун ҳужжатлари қай тарзда ижро этилаётганлиги, қонун ҳужжатларини ижро этиш мақсадида улар томонидан қабул қилинаётган қонун ости ҳужжатлари қай даражада мақсадга мувофиқлигини тушуниш имкониятини беради. Прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалигидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминловчи давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолияти устидан назорат амалга оширилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинади, ҳуқуқбузарликлар олди олиниб, бартараф этилади. Бу орқали Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилганидек, прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш каби асосий вазифалари амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг объектини қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган субъектлар ташкил қилади. Бошқарманинг назорат объектлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижросини амалга оширувчи давлат органи ҳамда корхона ва ташкилотлардир Давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширилиши ҳуқуқий давлатда устувор вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 148-сонли буйруғи билан тасдиқланган низомга илова сифатида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг қуйидаги махсус объектлари белгиланган:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

“Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси (қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ қисми);

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси;

Давлат ветеринария кўмитаси;

“Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси;

“Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси;

“Ўзагроэкспорт” ташқи савдо компанияси;

“Ўздонмахсулот” АК;

“Ўзагросаноатмашхолдинг” АК;

“Ўзкимёсаноат” АЖ;

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ;

“Ўзгидроэнерго” АЖ;

“Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси;

“Ўзнефтмахсулот” АЖ (қишлоқ хўжалигини таъминлаш қисми);

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси;

“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси;

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;

Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси (“Ўздавтехназорат”);

Чорвачиликда наслчилик ишлари Бош давлат инспекцияси;

Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси;

“Ўзсувназорат” республикаси сув инспекцияси;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази;

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш маркази;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;

Қишлоқ хўжалигини таркибий қайта тузиш агентлиги;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши;

“Насл-хизмат” наслдор моллар чорвачилиги уюшмаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва
вилоятлар ҳокимликлари – бошқарма ваколатларига тааллуқли масалалар
бўйича;

Соҳага оид бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритилганлиги ҳамда ўз кучини йўқотганлигини инобатга олиб, Прокурор
назоратининг ушбу объектларининг айримларига тўхталиб ўтишимиз
мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
12 февралдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан
такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги
ПФ-5330-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги
вазирлиги ташкил этилди³⁰. Ушбу вазирликларнинг ҳар бирининг вазифалари
ҳам алоҳида-алоҳида этиб белгиланди. Бундан келиб чиқадики, прокурор
назорати объекти сифатида кўрсатилган Қишлоқ хўжалиги вазирлигини
мазкур ўзгартиришдан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув
хўжалиги вазирлиги, деб ўзгартириш лозим.

Пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарини бошқариш тизимини
янада оптималлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон
Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб

³⁰ www.agro-olam.uz

хисоблаш тўғрисида”ги ПФ-5206-сон Фармони³¹ билан қуйидагилар ўз кучини йўқотган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон ҳамда “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик бирлашмалари фаолиятини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2015 йил 3 ноябрдаги ПҚ-2427-сон қарорлари.

Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини тугатиш билан боғлиқ комплекс ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек, пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарини бошқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида Комиссия тузилиб, унинг зиммасига “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини кейинчалик тугатиш йўли билан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини “Ўзпахтасаноат” АЖга ўтказиш вазифаси юклатилган.

Демак, прокурор назорати объекти – “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, деб ўзгартириш киритиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ 2018 йил 1 августдан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;

³¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 06/17/5206/0138-сон.

Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси;

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси;

“Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси;

“Ўздавуруғназоратмарказ” қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилади.

Шунингдек, мамлакатимизда лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил этишни жадал ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш механизминини таъминлайдиган ягона ташкилий тизимни барпо этиш ҳамда инновацион технологиялар асосида лимон етиштиришни комплекс ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3586-сон Қарори³² қабул қилинди. Мазкур қарор асосида лимон етиштирувчи ташкилотларнинг республика ҳудудида лимон кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш ва экспорт ҳажминини ошириш мақсадида “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси ташкил этилди. Ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар шартнома асосида Уюшмага мустақил аъзо бўлишлари мумкин ва унинг таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

“Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси аъзолари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Уюшма фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасини прокурор назорати объектига киритиш лозим.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, айрим қонун ҳужжатларининг ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ

³² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2018 й., 07/18/3586/0853-сон.

қишлоқ хўжалигида прокурор назорати объектларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Мазкур назорат остидаги объектлар томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасида келтирилган жиноий, маъмурий, интизомий ёки моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор ёхуд бошқа прокурор назорати ҳужжатларидан бирини қўллашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” тўғрисидаги Низомга мувофиқ Инспекция ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги соҳаларда функцияларни амалга оширади:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳолати устидан назорат қилиш соҳасида;

б) пахта ва дон экинларининг уруғларини буюртма қилиш, тайёрлаш, алоҳида қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши соҳасида;

в) қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларни давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши соҳасида;

г) дон экинлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларни, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурсларининг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши,

уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилик камайрилиши таъминланиши соҳасида;

д) қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро этилиши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ҳамда назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши соҳасида;

е) қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида;

ж) сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши соҳасида;

з) идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қорхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда қорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши соҳасида;

и) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник ҳолати, уларнинг эксплуатация қилиш самарадорлиги, уларнинг сифати, сервис ва таъмирлаш хизматлари соҳасида;

к) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта ҳам ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш соҳасида;

л) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг қилиб чиқиш сабабларини ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Бошқарма ва Инспекция қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазирликлар, ҳокимлар, назорат органлари, корхона, муассаса ва ташкилот ҳамда бирлашмаларнинг фаолиятида мамлакатда амалда бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида назоратни амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармасининг назорат объектлари белгиланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг назорат объектлари ҳали кўрсатиб ўтилмаган. Инспекциянинг вазифалари ва функцияларидан келиб чиқиб, унинг назорат объектлари ҳам Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармасининг назорат объектлари каби ўхшаш бўлиши мумкин. Негаки, Бошқарма ва Инспекция айнан ўхшаш вазифаларни бажаришини юқорида кўриб ўтган эдик. Шундан келиб чиқиб, Бошқарманинг Инспекция билан ўхшаш бўлган, такрорланадиган вазифалари тугатилиб, Инспекция зиммасида ана шу вазифалар қолдирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Сабаби, Инспекция Бошқармадан фарқли равишда, мутахассислар ёрдамида махсус назоратни амалга оширади. Бу эса қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Кейинги тўхталиб ўтишимиз лозим бўлган масала қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларидир. Республикамизда бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан прокурор назорати моҳияти тубдан ўзгарди ва ўз-ўзидан, бу соҳага тааллуқли ҳуқуқ нормалари мазмунида ҳам ўз аксини топди.

Қишлоқ хўжалигидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини қуйидагича акс эттириш мумкин:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

- 2) Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- 3) Ваколатли органлар томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатлари.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятининг асосий ҳуқуқий манбаси – бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияда давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши мустаҳкамланиб қўйилган. Бундан ташқари, Конституцияга кўра мамлакатимизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор мулкига ўз ҳоҳишига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тассарруф этади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг конституциявий асослари билан танишиб, Ўзбекистон Республикаси кодексларига тўхталиб ўтамиз. Маълумки, кодекслар ҳам қонун ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси³³ ҳам қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ҳуқуқий манбаси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 18-моддасига мувофиқ, фуқаролар тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Асосий ҳуқуқий манбалардан бири Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси³⁴ дир. Ер кодексида ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари, қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкалари бериш, фермер

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 56-модда; ... Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2017 й., 03/18/455/0492-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

³⁴ . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; ... Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш ҳамда деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар тадбиркорлик субъекти ҳисобланиб, махсус соҳавий қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлардан ташқари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам татбиқ этилади. Шундай қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрири) Қонуни³⁵ ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Қонунда фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ер участкаларидан фойдаланиш, ушбу хўжаликларнинг моддий-техника ресурсларидан, уруғлик материаллардан, кўчатлардан ва зотдор чорвадан эркин фойдаланиш ҳамда мазкур хўжаликларнинг сув истеъмолини амалга ошириш ҳуқуқи кафолатлари мустаҳкамланган. Хусусан, Қонунда фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланиши белгиланган.

Юқоридагилар қишлоқ хўжалигида фаолият юритишнинг умумий асосларини назарда тутса, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги ҳамда “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонунлар соҳани тартибга солувчи махсус қонунлар ҳисобланади. Ушбу қонунларда фермер ва деҳқон хўжалиги тушунчалари, ушбу хўжаликларни ташкил этиш тартиби, уларни давлат

³⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 52-сон, 598-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда.

рўйхатига олиш, фермер хўжалигининг таъсис ҳужжати, мазкур хўжаликларга ер участкаларини бериш тартиби ва ундан фойдаланиш шартлари, ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек улар фаолиятини тугатиш асослари белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни³⁶, “Наслчилик тўғрисида”ги Қонуни³⁷, “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни³⁸, “Селекция ютуқлари тўғрисида” Қонуни³⁹, “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни⁴⁰ каби қонунлар қишлоқ хўжалигида прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларида туб ўзгаришлар бўлиб ўтди, десак муболаға бўлмайди. Истиклол йилларида давлатимизда хўжалик фаолияти соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор қонун ҳужжатлари ҳамда Президент фармонлари эълон қилинди. Зотан, тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, уни ривожлантирувчи асосий куч ҳисобланади⁴¹.

Қишлоқ хўжалигида ислохотлар амалга оширилишини таъминловчи ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1998 й., 9-сон, 181-модда; ...Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 255-модда; 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 1-сон, 1-модда.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 9-сон, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 555-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

⁴¹ Синдиров.К., Жуманазаров.И. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг айрим масалалари. Олий хўжалик суди ахборотномаси. Т.:– 2011. №” 23. – Б. 47.

қарорлари алоҳида ўрин эгаллайди. Улар орасида қуйидагилар бевосита қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий асослар яратиб беради:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги “1998 - 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги ПФ-1978-сонли Фармони⁴²;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармони⁴³;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони⁴⁴;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4301-сонли Фармони⁴⁵;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2640-сон Қарори⁴⁶;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 4-сон, 59-модда.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 55-модда; 2017 й., 32-сон, 793-модда.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 113-модда; 2006 й., 28-29-сон, 263-модда; 2014 й., 32-сон, 395-модда; 2016 й., 32-сон, 387-модда.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 163-модда.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 44-сон, 511-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2017 й., 06/17/5223/0198-сон; 22.11.2017 й., 06/17/5250/0284-сон.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сон Фармони⁴⁷;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПКҚ-3318-сон Қарори⁴⁸;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПКҚ-3586-сон Қарори⁴⁹;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПКҚ-3574-сон Қарори⁵⁰.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони қишлоқ хўжалигида тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлиб, тармоқ ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Фармон айрим идора ва вазирликларнинг ширкат ҳамда фермер хўжаликлари эркин фаолиятига тўғаноқ бўлиб келган буйруқбозлик ва тақсимот функцияларига чек қўйди. Мазкур Фармон қишлоқ хўжалигида мана шундай камчиликларни бартараф этиш йўллариини ҳамда яқин келажакда тармоқни ривожлантиришдаги устувор йўналишдаги вазифаларни аниқ кўрсатиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4301-сон Фармонида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини

⁴⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й., 06/17/5199/0078.

⁴⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 07/17/3318/0094-сон.

⁴⁹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2018 й., 07/18/3586/0853-сон.

⁵⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.03.2018 й., 07/18/3574/0831-сон.

оптималлаштиришда қонунчиликка қатъий риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатиши ҳамда мансабдор шахслар томонидан суиистеъмол қилиш ва қонунчиликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича зарур чораларни кўриши лозимлиги назарда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳимоя тизимини кучайтириш, уларнинг фаолиятида ноқонуний текширишлар ва турли аралашувларнинг олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ–2114-сонли Фармони⁵¹га мувофиқ прокуратура органларига хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга ваколатли қилиб белгиланган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилиш, камчиликларини аниқлаш ва тартибга солишда назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусидаги Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонунда кўзда тутилган чоралар кўриш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширилишида ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 575-сонли қарори;

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 209-модда; 2001 й., 6-сон, 122-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 352-модда; 2009 й., 10-11-сон, 105-модда; ... 2017 й., 18-сон, 310-модда, 37-сон, 980-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 сентябрдаги “Республика аҳолисини қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш чоғида ветеринария-санитария талабларига риоя этиш тўғрисида”ги 379-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 320-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 486-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги “Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида”ги 20-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 мартдаги “Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 6/17-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий препаратларини етказиб бериш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 31-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 261-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 82-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 апрелдаги “Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 118-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сон қарори ва бошқа ҳужжатлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида фақат юқоридаги қонун ҳужжатлари эмас, балки қишлоқ хўжалиги соҳасида яна янги қонун ҳужжатлари тизимини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТ

2.1 Қишлоқ хўжалиги соҳасига оид давлат дастурлари ижро этилиши устидан прокуратура органлари вазифалари

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи эканлигини инобатга олиб, мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қишлоқ хўжалиги муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари етарли даражада. Соҳадаги қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилишининг дастлабки пойдевори сифатида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурларидир. Бу каби давлат дастурлари салмоқли ва уларнинг ҳар бири қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутadi. Шундай бўлса-да, мавзунинг ёритиб бериш учун сўнгги йилларда қабул қилинган давлат дастурларини кўриб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси⁵²да 2017 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, компаниялар ва бошқа идоралар, шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимликлар қуйидаги стратегик муҳим вазифаларни амалга ошириш шарт эканлиги таъкидланди:

биринчи – экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш;

иккинчи – фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;

⁵² “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил №11 (6705).

учинчи – ўтган йилларда Молия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Жамғарма раҳбарияти томонидан шакллантирилган, агротехника тадбирларини молиялаштиришда ижобий натижа бермаётган ва мутлақо чала тизимга барҳам бериш;

тўртинчи – охириги йилларда агросаноат комплексида ташкил этилган янги бошқарув органлари фаолиятидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Президентимизнинг мазкур маърузаси бўйича вазифалар юклатилган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, компаниялар ва бошқа идоралар, шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимликларнинг қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш фаолияти прокуратура органлари назорати объектига киради ва ўз навбатида, прокуратура органларига ҳам масъулиятли вазифани юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта 2017 йил 22 декабрда мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатнома⁵³да қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтиб, қуйидагилар:

қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш;

импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бориши ҳолатининг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш;

тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлиши;

ҳар бир туманда ихтисослаштирилган бўрдоқчилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиши;

⁵³ www.president.uz

маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозимлиги;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш мақсадида фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур Мурожаатномада таъкидланган ушбу фикрлардан, асосан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган корхоналар фаолиятини кенгайтиришга эътибор кучайтирилаётганини англаш мумкин. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини кенгайтиришдан кўзланган асосий мақсад – уларнинг ички имкониятларидан максимал даражада самарали фойдаланиб, аҳоли ва бозорни арзон, юқори сифатли, рақобатга чидамли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаш ҳамда мақсадга мувофиқ равишда фойда олишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони⁵⁴ билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Фармон мазмун-моҳиятига кўра, жуда кенг қамровли, яъни мамлакатимизнинг келажаги, жамиятимиз ва давлатимизнинг кейинги беш йилдаги барқарор ривожланиши ва тараққиётини белгиловчи муҳим ҳужжат дейиш мумкин. Мазкур Фармонда давлатимиз раҳбари ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ва Олий Мажлис палаталари қўшма

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузалари, шунингдек, кейинги вақтларда Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган қарорларда мазкур Фармон мақсади ва йўналиши ўз ифодасини топган эди. Шулардан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши белгиланган.

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
3. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни юритиш.

Ҳаракатлар стратегиясидаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишлари”нинг 3.3-бандига кўра қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда қуйидаги устувор вазифалар белгиланган:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

- пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

- фермер хўжаликлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган

кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологиялар асосида асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини тармоқларини янада кенгайтириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

- юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда ҳайвонот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

- глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи ҳалокатининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари энг муҳим вазифалардан бири эканлигини исботини мазкур Ҳаракатлар стратегиясида кўришимиз мумкин. Унда, энг аввало, агросаноат комплекси ва кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши назарда тутилган.

Шунингдек, бугунги кунда фермер хўжаликлари негизида кўп тармоқли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласида амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли сифатида фермер хўжаликлари олдига қўйилган асосий мақсад барча тадбиркорлар қатори – табиат омиллари ва моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш ҳисобланади.

Фармон ижросини таъминлашда прокуратура органларининг роли ва ўрнига келсак, бешта устувор йўналишнинг ҳар бир бандини оғишмай, тўғри амалга оширилишида конун устуворлигини таъминлашдан иборатдир. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясида, энг аввало, фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда беш йил давомида мамлакатимизни барқарор ривожланиб боришини таъминлаш кўзда тутилган. Бу мақсадни оғишмай амалга ошириш прокуратура органлари ходимлари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди.

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони⁵⁵ қабул қилинди. Унга кўра, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида — фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний

⁵⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон.

аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур Фармон билан 2018 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қўзғатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича қўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимида киритилади.

Бу махсус электрон тизим орқали тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик учун мансабдорларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорларга етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш бўйича ишларни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида эса тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, бизнесини тўхтатган тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш ва фаолиятини тиклаш чоралари қўрилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали фаолият юритиш ва уни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар мавжуд бўлганидагина иқтисодиётнинг ривожланиши

учун мустаҳкам пойдевор яратилган бўлади. Бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда бу назорат қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларнинг самарали амал қилинишини таъминлаб беради.

2.2 Қишлоқ хўжалиги соҳасида ер қонунчилигининг ижро этилиши устидан прокурор назорати

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритиш, соҳа такомиллашувида ер-сув ресурслари алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг асосий таянчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобланади. Шу сабабли, ер-сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш долзарб муаммоларидан бири саналади.

Ерга оид қонунчилик тизими таҳлил қилинар экан, аввало, ерга оид ҳуқуқий муносабатларни аниқлаб олиш зарур. Чунки, ерга оид муносабатлар мураккаб бўлиб, уни бир ёки бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солишнинг имконияти мавжуд эмас.

Ҳуқуқий адабиётларда ерга оид ҳуқуқий муносабатлар деганда, ер бериш, уни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш юзасидан давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида келиб чиқадиган ер ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Е. С. Болтанова, С. З. Женетльнинг фикрича, ерга оид муносабатларини тартибга солишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1) ер – бу табиатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, инсонларнинг асосий ҳаёти ва фаолияти ер билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳар қандай ер билан боғлиқ муносабат унда яшовчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатади;

2) ер – фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири, яъни мулк фуқаролик муомаласида мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ сифатида иштирок этади⁵⁶.

Юқоридаги фикр ер фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланадиган мамлакатларга тўғри келади. Масалан, Россия Федерациясида ерни олиш, сотиш, ҳада қилиш мумкин. Бизнинг мамлакатамиз қонунчилиги бўйича ер умуммиллий бойлик бўлиб, тўлиқ фуқаролик муомаласида эмас. Шунинг учун юқоридаги тушунча мамлакатимиз қонунчилигига мос келмайди.

Ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари тизимига тўхталадиган бўлсак, Д.Саъдуллаев фикрича, ерга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари тизимини ташкил этади⁵⁷.

Ер аграр ҳуқуқнинг объекти бўлиши учун қишлоқ хўжалиги муносабатлари билан бевосита боғлиқ бўлиши лозим.

Ер-сув ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқи муносабатларнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”.

Умуммиллий бойлик ягона бир шахсга тегишли эмаслигини инобатга олиб, ваколатли органлар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш эвазига фойдаланиш учун фойдаланувчиларга берилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишда ер асосий восита вазифасини бажаради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, фермер ва деҳқон хўжаликларини ерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, фермер ва деҳқон

⁵⁶ Болтанова Е. С., Женетль С. З. Комментарий к Земельному кодексу Российской Федерации (постатейный). – М.: РИОР, – 2010. Ст.7.

⁵⁷ Саъдуллаев Д. Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2012, №4 (12). 65-бет.

хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш учун ердан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, қишлоқ хўжалиги корхоналарига фойдаланиш учун берилган ер участкаларига эгалик қилиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йигиндиси тушунилади. Мазкур нормалар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши ҳамда асослари, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ердан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва захира ерларни муҳофаза қилиш, ер конунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби масалаларни тартибга солади.

Шуни қайд этиш жоизки, ер ресурсларини юридик ёки жисмоний шахсларга узоқ муддатга фойдаланиш учун бериш жараёнида айрим муаммолар учраб туради. Хусусан, фермер хўжаликлари фойдаланиш учун ер сўраб, ўзи жойлашган ҳудуддаги туман ҳокимлигига ёзма равишда мурожаат этса-да, лекин ер ажратиш масаласи баъзи ҳолларда белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширилмаслик ҳолатлари мавжуд. Бундай бўлишига сабаб, уларнинг ихтиёрида ҳар доим ҳам қишлоқ хўжалиги фаолияти амалга оширилиши учун бўш қишлоқ хўжалиги ва захира ерлар мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Шунинг учун фермер ва деҳқон хўжаликларига ерларни қишлоқ хўжалик йили бошланмасдан ҳамда кузги дон экинлари ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг берилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. М.Салиевнинг фикрича, давлат ер назоратини амалга ошириш тегишли давлат органларининг ташкилий, ижро-фармойиш берувчи ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқий тартиботни сақлашга қаратилган фаолиятини ифодалайди⁵⁸.

Ер ажратиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласида прокурор назоратининг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

⁵⁸ Салиев М. Ер назоратини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўрни ва роли. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017, №3 (31). 52-бет.

биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолият юритиши учун ер участкалари ажратиш тартибида айрим қонун бузилиш ҳолатлари кўзга ташланиб, ер ажратишга масъул тегишли туман ҳокимликлари қишлоқ хўжалик корхоналарига ер участкалари ажратишда суиистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги ҳамда ер майдонларини қонунга зид равишда ажратиш ҳолатлари учраб туради. Шунингдек, ер майдонлари ажратишда мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашиши натижасида мазкур ҳудудда яшовчилар тенг шароитларда устувор ҳуқуқдан фойдаланишлари, ер майдонининг суғориш иншоотларига, йўлларга яқинлиги инобатга олинмасдан ажратилиши мазкур ерлардан фойдаланишни қийинлаштириб қўяди;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги юритиш учун ажратилган ер участкалари белгиланган мақсадларда фойдаланилмасдан, тураржой қуриш, шахсий томорқа экинларини экиш ва хатто, шартнома асосида тегишли бўлган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга сотиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги”ги Низом⁵⁹нинг 8-бандига мувофиқ якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги таркибига кирмайдиган ерлардан белгиланган тартибда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бир оилага 0,06 гектаргача мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилади;

учинчидан, прокуратура органлари қишлоқ хўжалигида корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашда муҳим ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ҳисобланади.

Ер-ҳуқуқий муносабатларда прокуратура органларининг назорати, биринчи навбатда, ер ажратиш масаласига қаратилади. Ер ажратиш борасида

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 518-модда.

қонунчилик талабларига риоя этилиши, ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши, ер майдонларига қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришнинг қонуний, асосли ва адолатли амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларининг муомаладан ноқонуний чиқарилишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўриб бориш прокуратура органларининг қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш фаолияти йўналишининг асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишларидан биридир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва захира ерлар ажратилади.

Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари, қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкалари бериш, фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш ҳамда деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектлари сифатида фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги эътироф этилади. Уларнинг фаолияти махсус “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ҳамда “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунлар билан тартибга солинади.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги (янги таҳрир) қонуннинг 3-моддасига асосан фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

“Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига асосан деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилади ва реализация қилади. Қонунга асосан оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилади. Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланади.

Шу кайд этиш керакки, фермер хўжаликлари томонидан ер участкалари ижарага олиннишида мазкур ҳудудда яшовчи шахслар бошқа тенг шароитларда устувор ҳуқуқдан фойдаланишлари, ер участкаси фермер хўжалигига имкон борица ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилиши, участка чегаралари суғориш тармоқлари, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича имкониятлар инобатга олинмасдан ажратилиши ҳолатлари учраб туради.

Қонунга мувофиқ захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ўтказилган танлов якунларига кўра ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи ва туман ҳокими томонидан имзоланади.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга шикоят қилиниши мумкин.

2018 йил 18 апрелга қадар туман ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган талабларга риоя этилмасдан ер майдонлари қонунсиз ажратилиб, таниш-билишлари, яқинлари, хатто ўзларига фермерликни расмийлаштириб, уларнинг фаолиятига ҳомийлик қилиш, ерларни пора эвазига сотиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйиш ҳолатлари учраб турарди.

Прокуратура органлари томонидан 2017 йил мобайнида ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирларида 14 474 гектар экин майдони ноқонуний ажратилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилган.

Шунингдек, 27 нафар мансабдор шахслар томонидан 514 гектар ер майдонлари қонунсиз ажратилгани, таниш-билишлари, яқинлари, ҳатто ўзларига фермерликни расмийлаштириб, уларнинг фаолиятига ҳомийлик қилиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйганлиги фош этилди. Хусусан, Шаҳрихон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан фермер хўжалиги ташкил этиш учун 290 гектар ер майдонини ажратиш борасида 8 та ҳолатда тендер ўтказмасдан, ҳужжатларда эса бўлиб ўтган, деб кўрсатиб, ерларни сохта ҳужжатлар асосида бериб юборилганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилган⁶⁰.

Афсуски, бугунги кунда айрим ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фермер хўжаликлари танлови номигагина юзаки ўтказилиб, кўпгина ҳолларда ер майдонларини ҳақиқий ишловчиларга бермасдан, соҳадан йироқ бўлган, деҳқончилик тажрибасига эга бўлмаган, шаҳардан келган ёки қишлоқ хўжалигига умуман алоқаси бўлмаган бошқа шахсларга бериш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида баъзи туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслигини кўрсатиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Тан олиб айтиш керакки, бугунги кунда барча вилоят ва туман ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалигидаги ўз ваколатларини лозим даражада амалга оширилмасдан, баъзи қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймоқдалар. Шу сабабли, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан

⁶⁰ Каримов У. Ислоҳотларга кимлар тўсиқ бўлмоқда? “Ҳукук” газетаси. 2018 йил 15 февраль, №7 (1100)

кишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати ҳар доимгидан ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-476-сонли Қонуни⁶¹ билан “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилиб, эндиликда нафақат ер ажратиш ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман ҳокими, балки ўтказилган танлов якунларига кўра ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг хулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади.

Ушбу ўзгартириш қонундаги коррупцияга олиб келувчи нормани бартараф қилиб, шаффофлик, тенглик ва адолат асосида ер ажратиш тартибини белгилади.

Ернинг ҳар бир қаричини қадрлаган инсон ундан унумли фойдаланишга интилади. Аммо барча мутасадди ва фермерлар ҳам бунини яхши англамоқда, деб бўлмайди. Ўтказилган назорат тадбирлари давомида экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланилаётгани, ер майдони ноқонуний ажратилгани аниқланди. Бу ерлар захира фондига қайтарилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда.

Мисол учун, чигит экилиши режалаштирилган майдонга шоли экиб, пахта хомашёсини етказиб бериш имкониятини йўқотган. Фермер нафақат давлат манфаатларига жиддий зиён етказган, балки имтиёзли кредит маблағларини ҳам қонунга зид тарзда ўзлаштирган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини

⁶¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5065-сонли Фармони⁶²га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларига қуйидаги вазифалар юклатилди:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси фаолияти бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тизимли давлат назоратини, давлат геодезия назоратини қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан уни бузганлик учун айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш орқали амалга ошириш ва бошқалар.

Мазкур Фармон ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг айрим ходимлари томонидан ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатлари ижроси бўйича ўтказилган текширишлар натижасида ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланган. Энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик сифатида туман ҳокимликлари, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимларининг экин майдонларидан мақсадли фойдаланилишига масъулиятсизлик билан қараганликлари оқибатида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатини кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, кўп тармоқли фермер

⁶² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 5 июнь, 22-сон, 415-модда.

хўжаликларини янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада кўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрда “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сон Фармони⁶³ қабул қилинди. Унга кўра, ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Ер қонунчилиги устидан назорат соҳасида хорижий давлатлардан мамлакатимиз ҳуқуқий тизимиغا яқин Россия Федерацияси тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, ер қонунчилиги устидан назорат Россия Федерация Бош прокурорининг 2007 йил 07 декабрдаги “Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги 195-сонли буйруғи⁶⁴га асосан прокуратура органларига тегишли.

⁶³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й., 06/17/5199/0078.

⁶⁴ Приказ Генеральной прокуратуры Российской Федерации от 07.12.2007 № 195 (ред. от 01.07.2015) “Об организации прокурорского надзора за исполнением законов, соблюдением прав и свобод человека и гражданина” // Законность. – 06.03. 2008. – №3.

Унга кўра, ер қонунчилиги устидан прокурор назоратининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

Қонунга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахслари томонидан ер-ҳуқуқий муносабатларга доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупция аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;

Ҳар қандай орган ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Россия Федерацияси Конституциясига мувофиқ иш олиб бориш ва ер муносабатларини тартибга солувчи қонунларни ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилиш;

Россия Федерацияси Конституциясига риоя қилиниши ва ижро ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хатти-ҳаракатлар амалга оширилишида:

а) бошқарув функцияларини амалга оширишда ерларни муҳофаза қилиш ва уларни амалга оширишни (маъмурий-ҳуқуқий тусдаги муносабатлар);

б) ерлардан фойдаланишда ер эгасининг ерларни муҳофаза қилиш нормаларига мувофиқ ҳаракат қилишини назорат қилиш.

Юқорида келитирилган фикрлардан шуни англаш мумкинки, ер ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асоси бўлиб, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ерлардан белгиланган тартибда оқилона фойдаланмаслик ҳолатларининг тўлиқ бартараф этилмаётганлиги ер қонунчилигини амалий ҳаётга мос тарзда такомиллаштиришни талаб қилади. Қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари аниқ, мантиқий изчилликда, кенг жамоатчилик вакиллари учун тушунарли тарзда бўлиши мазкур қонун ҳужжатларининг самарали ижро этилишини

таъминлайди. Таъкидлаб ўтилган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши ер муносабатлари такомиллашишига замин яратади

2.3 Қишлоқ хўжалиги соҳасида сув қонунчилигининг ижро этилиши устидан прокурор назорати

Сув қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ер ресурслари каби асосий воситалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида Орол муаммоси, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга сув ресурсларининг етишмаслиги муаммоси сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга ундайди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш масалалари, бу нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун дунё мамлакатлари олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотларининг деярли барчаси суғориладиган ерлардан олинганлиги учун қишлоқ хўжалиги суғориш ва мелиорация билан боғлиқ муносабатлар алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифаси ҳисобланган аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини яратади. Ўз навбатида, сув хўжалиги билан боғлиқ муносабатлар такомиллаштирилиши, шунингдек, сув ресурсларини бошқариш тизимли тарзда амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги тараққиётини юқори даражага кўтарилишига олиб келади.

Шу ўринда, сув муносабатлари билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борган олимлар фикрларига тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Ш.Т.Ҳасанов ер ва сув ресурсларини чекланган ресурслар деб ҳисоблаб, қуйидаги тушунчани илгари суради: Қишлоқ хўжалигида

чекланган ресурслар – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий асосини ташкил қилган, иқтисодий фойдаланиш жараёнида инсон томонидан бошқарилган ҳолда қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида фойдаланиш имкониятини берувчи, сифат кўрсаткичларининг ўзгартирилишига юқори даражада мойил бўлган, аммо мутлақ миқдорини кўпайтириш имконияти мавжуд бўлмаган табиий ресурслардир⁶⁵.

Дарҳақиқат, ер ва сув ресурслари қайта тикланмайдиган табиий ресурслар бўлганлиги учун улардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозим.

Сувдан фойдаланиш тушунчаси турли олимлар ишларида турлича талқин этилган. Масалан, Ж.Т.Холмўминовнинг фикрича эса, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи асосан икки ҳолат билан боғлиқ. Биринчидан, у сув ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлиб, сув ва сувдан оқилана фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ҳамда сув билан боғлиқ барча муаммоларни ўз ичига олади, иккинчидан, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлади⁶⁶.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, сувдан фойдаланиш ва бундай ҳуқуқни амалга ошириш қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни, шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланишда янада самаралироқ ва тежамлироқ фойдаланишда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сув умуммиллий бойлик сифатида қайд этилиб, давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра сув фонди ерлари тоифаси мавжуд. Сув фонди ерларига Ер кодексининг 77-моддасига асосан сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари

⁶⁵ Ҳасанов Ш. Т. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати, 2017 й.

⁶⁶ Холмўминов Ж.Т. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати. Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ. 2008, 46-бет.

эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг кирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар киради.

Шунингдек, сув фонди ерларида сув объектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолияти юритиш ва қурилиш ишлари олиб бориш тақиқланади.

Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланади.

Мазкур қонунга мувофиқ мақсадли фойдаланилишига кўра сув истеъмоли ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига ва бошқа турларга бўлинади. Сув объектидан олинadиган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз шахсий ичимлик, маиший, рекреация, даволаш эҳтиёжлари, ҳайвонларни суғориш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги сув истеъмоли умумий сув истеъмолидир.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сув истеъмоли махсус сув истеъмолидир. Махсус сув истеъмолига айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сув истеъмоли ҳам киритилиши мумкин.

Сув ресурслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда истеъмол учун берилади.

Б.Калоновнинг фикрича, барча ҳолатларда ердан фойдаланувчилар суғориш жараёнида сувдан фойдаланувчилар ҳам бўлиб ҳисобланадилар. Ер

кодексининг 39-40-моддалари талабларига ҳам қаттиқ риоя этишлари лозим. Сувдан фойдаланувчилар конунда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларга риоя қилишлари ҳамда ушбу талабларни ҳар доим амалга оширишлари сувдан оқилона фойдаланиш масаласига ёрдам беради⁶⁷.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг жадал ривожланиши, ўз навбатида, сув ресурслари истеъмолининг ортиб боришига олиб келади, ушбу ҳолат юзага келаётган чакирув ва хатарларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилмаган тақдирда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сув билан боғлиқ муносабатлар қай даражада муҳим эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги “Қишлоқ ва сув хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5330-сонли Фармони қабул қилинганлигидан англаш мумкин. Мазкур Фармонга мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Сув хўжалиги вазирлиги сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқа вазифаларни амалга оширади.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибга барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар риоя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг зарарли

⁶⁷ Калонов Б. Ўзбекистонда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2010. №2 (02), 71-бет.

таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа қоидаларни бажаришларини таъминлашдир.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини қўйидагилар амалга оширади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қабрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Сувдан фойдаланиш устидан идоравий назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси органлари амалга оширадилар.

Қонуннинг 36-моддасига асосан сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи:

сувдан фойдаланишга, сув истеъмолига эҳтиёж қолмаганда ёки улардан воз кечилганда;

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли муддати тугаганда;

корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда (фаолияти тугатилганда);

сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;

танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёхуд сувдан мақсадсиз фойдаланилганда ёки сув

мақсадсиз истеъмол қилинганда ҳамда лимитдан ортиқча сув олинганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар тўланмаган тақдирда ҳам сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик ва маиший эҳтиёжлар учун сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно).

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш махсус ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги келтирилган органлар томонидан мазкур соҳага оид қонун ҳужжатлари ижро этилишини назорат қилиш, юқорида таъкидлаганимиздек, прокуратура органларига тегишли. Бунда прокуратура органлари сув ресурсларидан фойдаланишда исрофгарчиликни, шунингдек, ирригация объектлари ҳамда гидротехника иншоотлари эксплуатациясида хўжасизлик ҳолатларини олдини олиш юзасидан чоралар кўради. Шунингдек, ирригация объектлари ҳамда гидротехника иншоотлари қуриш ва реконструкция қилишда белгиланган стандартларга риоя қилиниши, шунингдек, ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни амалга оширади.

Сув ресурслари, гидротехника ва мелиорация иншоотларидан фойдаланишда исрофгарчилик ва хўжасизлик ҳолатларининг олдини олишда прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари мобайнида ирригация иншоотлари ва шу мақсадда ажратилган бюджет маблағларининг талон-торож қилинганлиги ҳолатлари учраб туради.

Суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга тўғанок бўлмоқда. Мелиорация соҳасидаги тадбирларнинг лойиҳаларини, шунингдек уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тизимли равишда комплекс ёндошилмаётганлиги, сув хўжалиги тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг сушт ишлаши кейинги йилларда

мелиорация ишлари ҳажмларининг камайишига, сизот сувларнинг даражаси кўтарилишига ва минераллашуви ошиб кетишига олиб келди.

Бунинг оқибатида ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини турли даражада шўр босган, айни вақтда фермер хўжаликларига қарашли суғориладиган ерларнинг 16 фоизидан ортиғи қониқарсиз ҳолатдадир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3932-сонли Фармони⁶⁸ қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди. Қуйидагилар мазкур Жамғарманинг асосий вазифалари деб белгиланди:

бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳажмда Жамғарма ҳисобварағида жамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 440-модда; 2008 й., 6-7-сон, 25-модда; 2009 й., 10-11-сон, 105-модда; 2011 й., 4-5-сон, 32-модда; 2013 й., 17-сон, 221-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда; 2017 й., 23-сон, 449-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 06/17/5250/0284-сон.

тасдиқланган дастурларга мувофиқ мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукаммал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш;

мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда мониторингни амалга ошириб бориш.

Республикамиз миқёсида бажарилаётган амалий ишлар натижасида экин ер майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, деҳқон ва фермер хўжаликларининг даромадини ошириш ва ҳаражатларини камайтириш имконияти беради.

Прокуратура органлари сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсат амалга оширилиши, шунингдек, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиши, сувнинг зарарли таъсири олди олиниши ва бартараф этилиши устидан назоратни амалга оширади;

худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари сув ресурслари билан доимий ҳамда оқилона таъминланишини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилишини назорат қилади;

ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолияти таъминланишини, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофазаси ташкил этилишини назорат қилади;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари жавобгарлигини ошириш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилишини назорат қилади;

оқова сувлардан (очик ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тизимлари), сув ҳавзаларидан (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, кўллар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувлардан фойдаланиш ва сув истеъмоли устидан назоратни амалга оширади;

сув ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехник ва бошқа ишларнинг бажарилиши устидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади;

давлат сув кадастрини юритишга кўйилган талабга мувофиқ унинг юритилишини, сув хўжалиги иншоотлари ва иморатларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

сунъий сув ресурсларидан нооқилона фойдаланишнинг, ирригация объектлари ва гидротехник иншоотлардан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши устидан назоратни амалга оширади;

ирригация объектлари ва гидротехник иншоотлари куриш ҳамда реконструкция қилишда белгиланган стандартларга риоя этилиши, шунингдек, ажратилган бюджет маблағлари мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни амалга оширади.

Хорижий тажрибага тўхталадиган бўлсак, сув қонунчилиги устидан назорат Россия Федерация Бош прокурорининг 2007 йил 07 декабрдаги “Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги 195-сонли буйруғи⁶⁹га асосан прокуратура органларига тегишли.

Россия Федерацияси Сув кодексининг 2-моддасига кўра, Россия Федерациясида Сув қонунчилиги ушбу кодекс, бошқа федерал қонунлар ва Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборатлиги белгиланган⁷⁰.

Россия Федерация Бош прокурорининг 2007 йил 07 декабрдаги “Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги 195-сонли буйруғига мувофиқ ҳар қандай орган ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Россия Федерацияси Конституциясига мувофиқ иш олиб бориш ва ер муносабатларини тартибга солувчи қонунларни ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилиш прокуратура органларига юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида сув билан боғлиқ муносабатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, прокуратура органлари томонидан мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат қилиниши ҳуқуқбузарликлар келтириб чиқаришнинг олдини олади.

⁶⁹ Приказ Генеральной прокуратуры Российской Федерации от 07.12.2007 № 195 (ред. от 01.07.2015) “Об организации прокурорского надзора за исполнением законов, соблюдением прав и свобод человека и гражданина” // Законность. – 06.03. 2008. – №3.

⁷⁰ www.consultant.ru

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш орқали қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашда прокурор назоратининг ўрни ва аҳамияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур йўналишдаги назорат давлат органи, қорхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қонуний ҳимоя қилинишига замин яратади.

Қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати деганда, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида назорат қилишни тушунишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мазмун-моҳиятини қишлоқ хўжалигида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш ташкил этади. Мазкур йўналишда прокурор назорати фақат текширишларни эмас, балки қонунларнинг самарали ишлашини

таъминлаш мақсадида уларнинг ижросини амалга ошираётган субъектларни қўллаб-қувватлашни тушунишимиз лозим.

Давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан прокурор назорати фаолиятида қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳар қандай орган томонидан эмас, балки махсус ваколатларга эга бўлган органларига юклатилади;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тўлиқ ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш қонун ёки қонун ости ҳужжатларида кўрсатилган шартларга тўла мос келиши лозим;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан прокурор назорати фақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалиёт материалларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижасида олинган қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилмоқда:

Биринчидан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун бўйича прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгиланмаган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб борувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органи ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши таклиф қилинади:

1. Конуннинг 4-моддасига қуйидаги банд билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

“Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш”;

Иккинчидан, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳамда ўз кучини йўқотганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси назорат объектлари қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир;

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5330-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди⁷¹. Ушбу вазирликларнинг ҳар бирининг вазифалари ҳам алоҳида-алоҳида этиб белгиланди. Бундан келиб чиқадики, прокурор назорати объекти сифатида кўрсатилган Қишлоқ хўжалиги вазирлигини ўзгартиришдан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги, деб ўзгартириш киритиш;

- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-5206-сон Фармони билан қуйидагилар ўз кучини йўқотган:

⁷¹ www.agro-olam.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон ҳамда “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик бирлашмалари фаолиятини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2015 йил 3 ноябрдаги ПҚ-2427-сон қарорлари.

Мазкур Фармонга мувофиқ “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини тугатиш билан боғлиқ комплекс ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарини бошқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида Комиссия тузилиб, унинг зиммасига “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини кейинчалик тугатиш йўли билан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини “Ўзпахтасаноат” АЖга ўтказиш вазифаси юклатилган.

Бундан келиб чиқадики, прокурор назорати объекти бўлган “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини, “Ўзпахтасаноат” АЖ, деб ўзгартириш киритиш лозим;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ 2018 йил 1 августдан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;

Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси;

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси;

“Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси;

“Ўздавуруғназоратмарказ” қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилади.

Мазкур инспекциялар ва марказ тугатилганлигини инобатга олиб, уларни прокурор назорати объектидан чиқариш лозим;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3586-сон Қарори “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси ташкил этилди. “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси аъзолари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Уюшма фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасини прокурор назорати объектига киритиш лозим.

Тўртинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туман ҳокимликларининг бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасига оид фаолияти устидан прокурор назорати амалга оширилиши жараёнида:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 13, 14-бандлари;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 2 майдаги Қонуннинг 24-моддаси ҳамда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси талабларига риоя этиш ҳолатларига “танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик”⁷²ни англаган ҳолда ёндашилиши лозим.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар ташкил

⁷² Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 34-бет.

этилиб, унда фақат прокуратура органлари ходимлари эмас, балки ер-хукукий муносабатлари бўйича ваколатли органларнинг вакиллари ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Бундай ишчи гуруҳлар Россия Федерациясининг Бош прокурорининг 2008 йил 14 ноябрдаги “Россия Федерацияси Хукумати томонидан молиявий ва иқтисодиётнинг бошқа йўналишлари ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар билан боғлиқ прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида” ги 229/7р-сонли буйруғи⁷³да иқтисодиёт йўналишида текширишлар ўтказиш прокуратура органлари ходимлари ва ваколатли органлар мутахассислари иштирокида тузилган махсус ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг вазифалари ўрганиб чиқиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳам, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳам қишлоқ хўжалигида қонунийлик таъминлаш вазифасини бажаради.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси Бош прокуратуранинг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланса, Инспекция эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ҳукукни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Шунингдек, Инспекция юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи

⁷³ www.genproc.gov.ru

ёзилган муҳрга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эгадир;

иккинчидан, уларнинг вазифалари ўхшаш ҳисобланади. Бирок Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалигида қонунилик ижроси устидан назорат бошқармаси фақат умумий жиҳатдан қишлоқ хўжалигида қонунлар бажарилишини назорат қилса, Инспекция фаолиятини махсус назорат сифатида белгилашимиз мумкин. Сабаби, 2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, “Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси, “Ўздавуруғназоратмарказ” қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлигининг “Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш “Сифат” маркази” давлат корхонаси тугатилиши белгиланиб,

Инспекция мазкур тугатилаётган ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, тугатилаётган ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари, функциялари ва ваколатлари Инспекцияга ўтказилиши назарда тутилган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармасида олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар қишлоқ хўжалигида прокурор назоратини амалга оширса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясида махсус маълумотга эга бўлган шахслар, шу жумладан, ҳуқуқшунослар, агрономлар, иқтисодчилар, молиячилар, муҳандислар ва бошқалар қишлоқ хўжалигида прокурор назоратини таъминлайди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармасининг махсус билим талаб қиладиган назорат функцияларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясига юклатилиши лозим. Зеро, назоратнинг соҳа мутахассиси томонидан амалга оширилиши самарали натижаларга эришишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий кадрият. Т.14.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил №11 (6705).
3. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. - 104 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Наслчилик тўғрисида” ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2003 й., 5-сон, 67-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 597-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 978-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида” Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 555-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 1-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ–313-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 97-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги “1998 — 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги ПФ–1978-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 4-сон, 59-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ–3226-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2017 й., 32-сон, 793-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ–3342-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 168-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–3406-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 32-сон, 387-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4301-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 163-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4636-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 32-сон, 387-модда.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида” ги ПФ–5019-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5065-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 5 июнь, 22-сон, 415-модда.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й., 06/17/5199/0078.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПКҚ-3318-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 07/17/3318/0094-сон.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-5206-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 06/17/5206/0138-сон.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3574-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.03.2018 й., 07/18/3574/0831-сон.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3586-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2018 й., 07/18/3586/0853-сон.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5418-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 06/18/5418/1082-сон.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-3699-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 290-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2017 й., 09/17/933/0303-сон.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 320-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2017 й., 09/17/1021/0465-сон.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 486-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 21-сон, 207-модда.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги “Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида”ги 20-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 54-модда.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 272-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 09/18/370/1253-сон.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 261-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2017 й., 09/17/1021/0465-сон.

40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 272-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 497-модда.

41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 22-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 6-сон, 57-модда.

42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 82-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 155-модда.

43. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг айрим таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида” 2004 йил 12 мартдаги 1-сонли буйруғи.

44. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 15 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2-сонли буйруғи.

45. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 37-сонли буйруғи.

46. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 4 августдаги “Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 110-сонли буйруғи.

47. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 18 мартдаги “Қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш бўйича прокурорлик фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” 121-сонли буйруғи.

48. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 28 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 148-сонли буйруғи.

49. Приказ Генеральной прокуратуры Российской Федерации от 07.12.2007 № 195 (ред. от 01.07.2015) “Об организации прокурорского надзора за исполнением законов, соблюдением прав и свобод человека и гражданина” // Законность. –06.03. 2008. – №3.

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. М.А.Ражабова Ҳуқуқий давлатчилик сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 98 б.

2. М.Б.Усмонов, Й.О.Жураев. Сув ҳуқуқи. Дарслик.–Тошкент.:ТДЮИ, 2004. – 256 б.

3. Р.Г.Матушевский, В.А.Пятаков. Прокуратура и прокурорский надзор. – М.:Приор-издат, 2005. – 248 с.

4. Ж.Т.Холмўминов. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008, – 150 б.

5. О.М.Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм – Т.: ТДЮИ, 2009. – 804 б.

6. Е. С.Болтанова, С. З.Женетль. Комментарий к Земельному кодексу Российской Федерации (постатейный). – М.: РИОР, 2010. – 416 с.

7. М.Ҳ.Рустамбоев, У.А.Тўхташева, Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. Биринчи жилд. – Т.: ИLM ZIYO, 2011. – 311 б.

IV. Илмий адабиётлар ва мақолалар:

1. Д.М.Очилов Тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш муаммолари. Диссертация. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 285 б.

2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. 45 б.

3. Якубина П.Ю. Прокурорский надзор как вид государственной деятельности // “Проблемы правоохранительной деятельности”. 2012. №2. 74 с.

4. Ҳасанов Ш. Т. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати, 2017 й.

VI. Даврий нашр ва журналлар:

1. Федоров Н.В. О судебной реформе в России // Государство и право. 2005. №6.

2. Б.Калонов. Ўзбекистонда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2010. №2 (02).

3. К.Синдилов, И.Жуманазаров. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг айрим масалалари. Олий хўжалик суди ахборотномаси. – 2011. № 23.

4. Р.Ҳ.Қодиров. Мустақил Ўзбекистон прокуратураси 20 ёшда.// “Ҳуқуқ”, 2012 йил 5 январь.

5. Д.Саъдуллаев. Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2012, №4 (12).

6. М.Салиев. Ер назоратини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўрни ва роли. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017, №3 (31).

7. У.Каримов. Ислохотларга кимлар тўсиқ бўлмоқда? “Ҳуқуқ” 2018 йил 15 февраль, №7 (1100).

VII. Интернет сайтлари:

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.president.uz>
3. <http://www.prokuratura.uz>
4. <http://www.uza.uz>
5. <http://www.agro.uz>
6. <http://www.agro-olam.uz>
7. <http://www.huquqburch.uz>
8. <http://www.stat.uz>
9. <http://www.genproc.gov.ru>
10. <https://www.consultant.ru>